



**«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бизга Аср намозини ўқиб бердилар. Икки ракъатдан кейин салом бердилар. Бас, Зул Ядаини туриб:**

**«Эй Аллоҳнинг Расули, намоз қисқардими ёки ёддан чиқардингизми?» деди.**

**Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:**

**«Ҳеч бири ҳам бўлгани йўқ», дедилар.**

**«Батаҳқиқ, ўшанинг баъзиси бўлди, эй Аллоҳнинг Расули», деди.**

**Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам одамларга юзланиб:**

**«Зул Ядаини рост айтяптими?» дедилар.**

**«Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули», дейишди.**

**Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам намознинг қолганини тамом қилдилар. Сўнгра саломдан кейин ўтирган ҳолларида икки марта сажда қилдилар».**

*Бешовлари ривоят қилганлар.*

Зул Ядаини Ҳирбоқ исмли икки қўли узун саҳобий. Зотан «Зул Ядаини»нинг луғавий маъноси ҳам «икки қўлли» деганидир. У киши журъатли бўлганлари билан ҳам машҳур эдилар. Ушбу ҳадисда ҳам ҳамма ҳайрон бўлиб, бир нарса дея олмай турганида айнан шу киши Набий соллalloҳу алайҳи васалламга гапиришга журъат этганлар.

Ҳанафий мазҳабида ушбу ҳадис саждаи саҳвни саломдан кейин қилишга энг асосий ҳужжат қилиб олинган. Чунки бу жуда ҳам машҳур ҳодисадир. Уни жамоатда намоз ўқиган кишиларнинг ҳаммалари кўрганлар, ривоят қилганлар ва ҳаммага бир зумда тарқаган. Бошқа ҳодисалар эса кўпинча бир киши иштироки ёки ривояти билан бўлган.

Уламолар яна мана шу ҳадисдан «Намоз тамом бўлди, деб гумон қилиб, салом бериб, туриб кетилса-ю, кейин тугамагани маълум бўлса, келган жойидан ўқиб кетилади», деган ҳукмни олганлар.

Ҳанафий мазҳаби уламолари эса Зайд ибн Арқам розияллоҳу анҳунинг намозда гап бўлмаслиги тўғрисидаги ҳадисини далил қилиб, «Агар гап аралашса, намоз ботил бўлади, уни қайтадан ўқиш керак», дейдилар.



Имом саҳв қилса, саждаи саҳвдан олдинги саломни бир томонга қилади, холос. Шунда намозга кейин келиб қўшилган одам ҳам саждаи саҳв бўлишини англаб олади. Икки томонга салом берса, намозга кейин қўшилган одамнинг кейинги намозни давом эттириш учун ўрнидан туриб кетиши ҳоллари бўлади.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 5-жузи**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.